


# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 166 (688), 2022 йил 17 август, чоршанба



## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 август куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кун тартибидagi долзарб масалалар кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш, хусусан, Ўзбекистон ва Россиянинг худудлари ва тадбиркорлари даражасидаги устувор кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг етти ойида товар айирбошлаш 30 фоизга ошди. Аини пайтда савдо кўрсаткичларининг ўсиши юқори қўшилган қўйимли маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига таъминланмоқда.

Худудлар ўртасида фаол ва самарали алмашинувлар амалга оширилмоқда, шу йилнинг кузида учинчи Ўзбекистон — Россия худудлар форумини ўтказиш режалаштирилган.

Мухим инвестицион лойиҳалар ва маданий-гуманитар дастурлар давом эттирилмоқда.

Сўхбатда Ўзбекистон ва Россия етакчилари, энг аввало, амалий шерикликни аниқ, сифатли мазмун билан бойитиш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттириш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Ўзбекистон Президенти ва Россия Президентининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек конструктив, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

**Элчи Улуғбек МАҚСУДОВ:**

## “ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН УЛКАН ИМКОНияТЛАРГА ЭГА”



**Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига давлат ташрифи арафасида “Дунё” ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон элчиси ва мамлакатимизнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотидagi доимий вакили Улуғбек Мақсудов билан Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан сўхбатлашди.**

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Саудия муносабатларида фаоллашув кузатилмоқда. Сизнингча, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

— Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар кеска давр ичида жадаллашди. Бунга давлатимиз раҳбарининг Саудия Арабистони подшоҳи Салмон

бин Абдулазиз Ол Сауд билан 2017 йил май ойида Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви ҳамда Араб-муслмон мамлакатлари ва АҚШ саммитидagi иштироки давомидagi ўзаро фикр алмашувлар катта туртки берди. Подшоҳ Саудия Арабистонининг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шунингдек, у ўзбек халқига ва Имом Бухорий Ватанига тинчлик ва фаровонлик тилади.

▶ Давоми 2-бетда

**Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-Утайбий:**

## “САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БERAДИ”

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига давлат ташрифи муносабати билан ушбу мамлакатнинг Тошкентдаги элчиси Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-Утайбий “Дунё” ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берди.**

— Сўхбатимиз ибтидосида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва унинг истиқболлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Саудия — Ўзбекистон алоқалари кейинги йилларда қатор соҳаларда сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Юқори мартабали масъуллар ўртасида ўзаро ташриф алмашувлар ҳамда фаоллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бундай ташрифлар орасида Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташки ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фарҳон Ҳазрати Олийла-

рининг 2021 йил июнида Ўзбекистонга ташрифи, Президент Жаноби Олийлари ва юқори мартабали масъуллар билан учрашувлари алоҳида ўрин таъди. Шунингдек, инвестиция вазири Халид ал-Фолиҳ Жаноби Олийлари 2021 йилнинг бошларида ва 2022 йилда биринчи инвестиция форумида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюриб, Президент Жаноби Олийлари ва юқори мартабали масъуллар билан учрашувлар ўтказди. 2021 йилнинг июнида Ташқи ишлар вазириликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 4-дaвраси бўлиб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

## Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Ҳар йили Ўзбекистон давлат мустақиллиги байрами арафасида ўтган даврга назар солиш, ютуқларимиз ва камчиликларимизни таҳлил қилиш, истиқболни белгилаш аънаъна тусига кирган. Бу йил ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, ютуқларимиз катта, имкониятларимиз эса ундан ҳам кенг.

### Нимадан бошлаган эдик?

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги кўлга киритилиши биланок ташқи омиллардан иложи борича холи бўл-

ган миллий иқтисодиётни шакллантиришга киришилди. Иқтисодиётни маъмурий-режали бошқаришдан кўп укладли бозор муносабатларига ўтказиш бошланди.

Бозор иқтисодиётига эса тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмасдан ўтиб бўлмасди. Кеска вақт ичида мулк тўғрисида, хусусий тадбиркорлик тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, корхоналар тўғрисида, инвестициялар тўғрисида, солиқ ва боғжона сивасати тўғрисида ва бошқа кўпгина қонунлар қабул қилинди. Кейинчалик қабул қилинган бошқа қонунлар, шунингдек, ҳукумат қарорлари иқтисодий ўзгаришлар давомидa тартибга солиб борилди. Аини вақтда институционал ўзгаришлар давом этди: мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шакллари ўзгартирилди, бозор инфратузилмаси унсурлари — биржалар, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта компаниялари, лизинг хизматлари ва бошқалар фаолият юрита бошладилар.

Ўтган давр оралиғида энг кўп қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мулк муносабатларини такомиллаштириш, рақобат майдонини кенгайтириш ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш бора-бора қабул қилинди. Чунки бу “учлик” ҳар қандай мамлакатда бозор иқтисодиётининг устунларини ташкил этади. Мулк муносабатлари ишлаб чиқариш ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфаси ҳамда мазмунини белгилайди. Мамла-

катимизда кичик, ўрта ва катта хусусийлаштириш дея номланган уч босқичли хусусийлаштириш амалга оширилганига қарамадан, ҳали ҳам мулк муносабатлари такомилга етган деб бўлмади. Чунки бу тўхтовсиз жараён, бозор муносабатларининг энг биринчи талаби.

Бу жараён, айниқса, 2016 йилдан кейин янада жадаллашди. Энди ҳатто бирмунча муваффақиятли фаолият юритаётган банклар, акциядорлик жамиятлари, йирик ҳўжалик бирлашмаларидаги давлат улуши сотувга чиқариладиган бўлди.

Хусусий ва жамоат мулки, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш механизмлари орқали шакллантирилди. Хусусийлаштириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аҳолининг даромадлари даражаси унчалик юқори эмаслиги, кўпчилигининг старт имкониятлари бир хил хусусий секторга катта маблағ сарфлашга қодир эмаслигини эътиборга олиб амалга оширилди. Қолаверса, ҳали аҳолида бозор маданияти ҳам етарли эмасди, хусусий мулк психологиясини шакллантириш муаммоси ҳам бор эди. Анъанавий ҳўжалик юритиш маданияти маиший хизмат, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, коммунал ҳўжалик, хунармандчилик соҳаларидан нарига ўтмасди.

▶ Давоми 3-бетда



## ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Одамнинг кайфияти яхши бўлмаса, уйдан чиққиси келмайди. Аммо кўксини соғинчли, гурурли, курашчан туйғулар тўлдириб турса, кўзига йўл кўринаверади. Мен ҳам кейинги пайтларда, эртақларда айтилганидек, “йўл юрдим, йўл юрсам ҳам мўл юрдим”. Гап аввалида айтишим керак, гоҳ обод кишлоқлар, гоҳ чўл, даштлар, баъзан эса тоғу даралар аро кечаётган сафарларимиз мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эътиборимизга ҳавола этилаётган “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиорининг ҳаётга, ҳақиқатга кўчаётгани билан боғлиқ.

▶ Давоми 6-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

### ТАДБИРКОРЛАРГА ЭЪТИБОР МЕНИ ЮРТИМГА ҚАЙТИШГА УНДАДИ

Металл табиатда энг кўп учрайдиган моддалардан бири. Менделеев даврий жадвалидаги кимёвий элементларнинг қарийб 75 фоизи металлдан иборат. Инсоният асрлар давомидa ушбу маъдандан турли буюмлар ясаб, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келади. Олтин ва кумуш тангалардан тортиб, замонавий техника буюмлари, ҳайбатли бино-иншоотларгача, бари металлнинг мустаҳкамлиги, иссиқлик ҳамда электр ўтказувчанлик хусусиятларини намоён этади. Шу боис, деярли барча соҳада металлга бўлган талаб доим юқори.

Хитой Халқ Республикасида ўқиб юрган кезларим металлургия соҳасига қизиқишим пайдо бўлган, лекин бу соҳага кириб келишим тасодиф эди. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар, айниқса, ёшларга яратиб бераётган имкониятлари, барча соҳалардаги ривожланишлар мени юртимга қайтиб, шу ерда ишлашга ундади. Илгари булар оғизда эди, бугун эса амалда ифодасини кўряпмиз.

▶ Давоми 4-бетда



### “АрМИ-2022”:

## ҲАРБИЙЛАР ДЎСТИЛИГИ ВА ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК УСТУВОР БАЙРАМ

QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтин!

▶ 5-бетга қаранг.

## Элчи Улуғбек МАҚСУДОВ:

# “ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА”



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — Саудия муносабатлари асосида ўзаро ишонч мавжуд бўлиб, ҳар икки томонга бирдек манфаат келтирадиган ва тенг ҳуқуқли алоқаларни янада ривожлантиришга бўлган иштироки муштаракдир.

Тошкент ва Ар-Риёд мунтазам равишда икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказмоқда. Маслаҳатлашувларнинг тўртинчи давраси 2021 йил июнь ойида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда, видеоконференция тарзида бўлиб ўтди. Ҳозир маслаҳатлашувларнинг 5-даврасини ўтказиш мўддат ва мазмунни устида иш олиб боришмоқда.

Қуйидаги далиллар ҳам икки томонлама муносабатлар фаоллашиб бораётганини тасдиқлайди.

2021 йил июль ойида Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фарҳон расмий ташир билан Ўзбекистонда бўлди. Шунингдек, у Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга қўшган ҳисса қадрлашгани ва қўллаб-қувватлашгани таъкидлади.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида томонларнинг нуқтаи назари ва номзодларини ўзаро қўллаб-қувватламоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ИХТ, шунингдек, унинг ихтисослаштирилган ва ёрдамчи муассасалари, хусусан, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ICESCO), Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси (COMSTEC), Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Ислам савдони ривожлантириш маркази (ICDT), Ислам тараққиёт банки (ISDB), Ислам мамлакатлари учун статистика, иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ҳамда тренинглар маркази (SESRIC) ва Ислам мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти (SMICS) доирасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини қайд этишни истар эдим.

2021 йил 19 декабрь куни Ўзбекистон делегацияси ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Афғонистон бўйича Исломободда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

2022 йил 22-23 март кунлари Исломободдаги парламент биносида Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 48-сессияси бўлиб ўтди ва унда мамлакатимизнинг юқори даражадаги делегацияси ҳам қатнашди. Сессия чоғида Ўзбекистон ташаббускорлигида қатор резолюциялар, хусусан, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги, шунингдек, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференцияси тўғрисидаги таклиф ва ташаббуслари маъқулланди ҳамда қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг терроризмга қарши курашиш ва экстремизмнинг олдини олиш, қурол назорати ва қуролсизланиш борасидаги глобал, Афғонистонни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий ташаббуслари ҳам қўллаб-қувватланди.

Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Фуқрат Сидиқов бошчилигидаги делегация Подшоҳликка ташир бўлди. Саудия Арабистони парламентида, Ташқи ишлар вазирлиги, шунингдек, Форс кўрфазидидаги араб давлатлари ҳамкорлик кенгашида самарали музокара ва учрашувлар бўлиб ўтди.

Делегациямиз Жидда шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби билан учрашув ўтказди. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси ва Ислам ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги муносабатларни Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган конституциявий ислохотлар асосида кенгайтириш” мавзусида даражадаги ташкил этилди.

66

2022 йил икки томонлама муносабатларда муҳим йил ҳисобланади. Бундан роппа-роса 30 йил аввал Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди. Ушбу юбилей сана шарафига Тошкент ва Ар-Риёд икки мамлакат пойтахтлари ва минтақаларида қатор муҳим сиёсий ва маданий тадбирлар ўтказиш ниятида.

Ўзбекистон Ислам ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаол ташаббусларни илгари суришда, унинг ихтисослашган ва ёрдамчи муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилишда давом этади.

Дипломатик ваколатхоналар — Саудия Арабистонининг Тошкентдаги элчихонаси ва Ўзбекистоннинг Ар-Риёддаги элчихонаси ҳамда Жиддадаги Бош консулхонаси орқали томонлар ўртасида доимий мулоқот ва алоқалар йўлга қўйилган.

Биз икки томонлама ҳамкорликнинг ўзаро савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, иқтисодий, маданий-гуманитар лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, илмий-таълим алмашувлари ва бошқа алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда фаоллаштириш каби устувор йўналишларига жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Таъкидлашни истардимки, 2022 йил икки томонлама муносабатларда муҳим йил ҳисобланади. Бундан роппа-роса 30 йил аввал Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган эди. Ушбу юбилей сана шарафига Тошкент ва Ар-Риёд икки мамлакат пойтахтлари ва минтақаларида қатор муҳим сиёсий ва маданий тадбирлар ўтказиш ниятида.

— Ўзбекистон иқтисодий дипломатияга катта эътибор бермоқда. Саудия Арабистони билан иқтисодий ҳамкорлик қайси соҳаларда, айниқса, жадвал ривожланмоқда?

— Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик муваффақиятли ривож топмоқда. Тўғри, кўрсаткичлар жуда камтар, аммо Ўзбекистон коронавирус пандемияси туфайли Подшоҳликнинг деярли бир ярим йиллик изоляцияси салбий оқибатларини жадвал билан бартараф этмоқда, чунки мазкур мамлакатда барча ҳаво, денгиз ва қуруқлик йўллари ёпилган эди, нафақат халқаро ҳаво қатновлари, балки ички рейслар ҳам тўхтатилган.

Шу билан бирга, юқоридаги кўрсаткичлар ушбу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш учун катта имкониятлар мавжудлигини далолат беради. Мамлакатларимиз улкан салоҳиятга эга. Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий фаолиятни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдордир.

Сўнги беш йилда Ўзбекистонда Саудия капитали иштирокидаги корхоналар сони 38 тага етиб, 4,2 баробар кўпайди.

Иқтисодий йўналишдаги делегациялар алмашуви ҳам фаоллашди. Саудия Арабистонининг инвестиция вазири Халид ал-Фолиҳ бошчилигидаги нуфузли делегацияси жорий йил апрель ойида бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этди. Делегация ташири доирасида Тошкентда Ўзбекистон — Саудия Арабистони ҳукуматлараро комиссияси, шунингдек, Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес форум ҳам ўтказилди. Қўвонарлиси, бу тадбирлар мунтазамлик касб этди.

Ўзбекистон ҳам, Саудия Арабистони ҳам энергетика, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, электроника, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, биотехнология, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, энгил, кимё ва нефть кимёси саноати, туризм, маданият ва спорт, фан ва таълим, атроф-муҳит муҳофазаси ва экология каби истиқболли соҳаларда янги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ишбилармон доираларни бир-бирига яқинлаштириш ва ўзаро амалий ёрдам кўрсатиш учун биргаликда ишлашга тайёр.

Элчихона сайё-ҳаракати билан Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ва Саудия Арабистонининг “Acwa Power” компанияси ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган. Ушбу компания билан энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва йирик инвестиция лойиҳалари жадвал суръатда илгари сурилаётди. “Acwa Power”нинг Ўзбекистонда энергетика инфрақурилиш масини модернизация қилиш ва “яшил” энергетикани ривожлантиришга қўшган улуши 2,6 миллиард долларни ташкил этди.

Айни пайтда томонлар икки мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилли сифатида фан ва техника соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганмоқда. Тошкент технопарки ва Подшоҳ Абдулазиз номидаги фан ва технологиялар маркази ўртасида ўзаро делегациялар ташрифларини ташкил этиш ва ҳамкорликнинг аниқлашган йўналишларини аниқлаш йўли билан тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш хусусида келишув мавжуд.

Саудия тараққиёт жамғармаси томонидан Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилишига муҳим молиявий кўмак тақдим этилмоқда.

— Ўзбекистон ва Саудия Арабистони чуқур тарихий ва маданий алоқаларга эга. Маданий-гуманитар соҳада икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини қандай кўрасиз?

— Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги шарафига мамлакатларимиз пойтахтлари — Тошкент ва Ар-Риёдда Ўзбекистон ва Саудия Арабистони маданияти ва санъати ҳафталиклари доирасида қатор тадбирлар ўтказиш режалаштирилган.

Умуман олганда, сўнги йилларда маданий-гуманитар алоқалар ижобий суръатни намоеён этмоқда ва амалий мазмун билан бойимокда. Алоқа ва алмашувлар жадвал давом этаётгани боис, ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Саудия электрон университети 2020 йил июлдан ҳамкорлик шартномаси асосида ўзаро муносабатларини изчил ривожлантирмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази ва Саудия Арабистонининг Подшоҳ Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари маркази ўзаро тажриба алмашиш, қўшма илмий тадқиқот дастурларини ўтказиш ва нодир қўлёмларни урганиш мақсадида ўзаро таширларни ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳаларни муҳокама қилмоқда.

Мадианадаги Ислам университети Ўзбекистон университети билан ўзбек талабалари учун таълим грантлари ажратиб, араб тилини ўқитиш учун махсус курслар ташкил этиш, ўқув дастурлари тайёрлаш, ўзбек араб тили ўқитувчилари малакасини ошириш, араб хаттотлиги бўйича гуруҳ тузиш ва махсус курслар очиб, фикҳ, ақида, ҳадисшунослик, тафсири ва бошқа соҳаларда оид илмий тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишларда ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдириди.

Тошкент давлат шарқшунослик университети билан Саудия Арабистони Илмий-тадқиқот ва билим алмашиш маркази ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу марказ университети кутубхонаси учун тарих, фалсафа, адабиёт бўйича кўплаб китоблар, шунингдек, араб тилини ўрганаётган талабалар учун лугатларни тақдим этган.

2019 йилда элчихона шайх Самир Нажор номидаги хайрият жамғармаси билан алоқа ўрнатган эди. Уша йилнинг октябр ойида Фарғона вилояти кўп тармоқли шифохонасида 110 та юрак операцияси бепул асосда амалга оширилгани ҳамкорлигимиз самараси бўлди. Афсуски, коронавирус пандемияси келажақдаги режаларимиз ва келишувларимизга ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ энди мамлакатларимизда коронавирус билан боғлиқ вазият нисбатан барқарорлашгани боис, биз ушбу йўналишдаги ҳамкорликни давом эттирамиз.

Саудия Арабистони ислом динининг бош муқаддас қадамлари — Маккадаги Ал-Ҳарам масжиди ва Мадинадаги Масжид ан-Набавий жойлашган ноёб мамлакат, ислом маркази ҳисобланади. Шу боис, Подшоҳлик дунё мусулмонлари, жумладан, Саудия Арабистонига ҳаж ва умра зияратига борадиган юртдошларимиз ҳаётида жуда муҳим аҳамият касб этди.

Ар-Риёддаги элчихона ва Жиддадаги Бош консулхона Саудия Арабистонининг Ҳаж ва умра ишлари вазирлиги билан доимий алоқада. Дипломатик ваколатхоналар зиёратчиларнинг Подшоҳликка келиши ва маросимларни бажариш билан боғлиқ жараёнларни ташкил этишга қўмаклашади.

Бу йил Ўзбекистоннинг 12 мингдан ортиқ фуқароси ҳаж амалини ва 32 минг нафардан зиёд юртдошимиз умра амалларини бажарди.

Дарвоқе, Саудия Арабистони БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЮНВТО) 25-сессиясини 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш қарорини қўллаб-қувватлаган давлатлардан биридир.

2022 йил 27-29 июнь кунлари Ислам ҳамкорлик ташкилоти туризм вазирларининг Бокуда бўлиб ўтган 11-анжумани доирасида Саудия Арабистони Хива шаҳрининг 2024 йилда “Ислам дунёсининг туризм пойтахти”, деб эълон қилиниши тўғрисидаги резолюцияни ҳам қўллаб-қувватлади.

Хулоса ўрнида ишонтириб айтманки, биз давлатимиз раҳбари томонидан яқин ва узок истиқболга белгиланган вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёримиз.

## Юсуф бин Солиҳ ал-Гаҳра ал-Утайбий:

# “САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРАДИ”



Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, икки томонлама алоқалар доирасида Саудия Арабистони — Ўзбекистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси йиғилишларининг бир неча давралари, Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари ва ишбилармонлар форумлари ташкил қилинди. Мазкур анжуманлар ҳамкорлик даражасини юксалтириш ва савдо айирбошлаш ҳажмини оширишга хизмат қилишига аминимиз. Хусусан, савдо айирбошлаш ҳажми салоҳиятларимиз даражасига ҳали тўла мос келмайди. Унинг кўрсаткичлари бундан буён сезиларли даражада ошишига умид қиламиз.

— Қайси соҳаларда фаол ҳамкорлик мавжуд? Ҳозирги пайтда қандай лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда ва бу борада келгусидаги режалар қандайлиги ҳақида ҳам билишни истар эдик...

— Саудия Арабистонининг қатор компаниялари Ўзбекистонда бир қанча йўналишлар, жумладан, энергетика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, таълим, инвестиция

каби буюк олимлар ислом ва дунёвий илм-фан ривожига катта таъсир кўрсатган. Ўзбекистонда кўп тарихий масканлар бор, янги илм-фан ўчоқлари бунёд этилмоқда. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси, Тошкентдаги Ислам цивилизацияси маркази, Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасаси ва бошқа муҳим қадамжолар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга Саудия Арабистони Подшоҳлиги алоҳида аҳамият беради.

Ҳозирги пайтда туризм соҳасида алоқаларимиз тобора раванқ топмоқда. Бу соҳа ҳар икки мамлакат учун катта аҳамият касб этди. Туризм соҳасида мамлакатларимиз катта салоҳиятга эга бўлиб, дунёнинг барча давлатларидан саёҳатчиларни ўзига жалб этди. Подшоҳликнинг “2030 йилга назар” стратегияси ва Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси икки мамлакат ҳамкорлиги даражасини янада юксалтиришга асос бўлади.

2020 йилга қадар Саудия Арабистонининг ЮНЕСКО эътироф этган

66

ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА АЛОҚАЛАРИМИЗ ТОБОРА РАВНАҚ ТОПМОҚДА. БУ СОҲА ҲАР ИККИ МАМЛАКАТ УЧУН КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ТУРИЗМ СОҲАСИДА МАМЛАКАТЛАРИМИЗ КАТТА САЛОҲИЯТГА ЭГА БЎЛИБ, ДУНЁНИНГ БАРЧА ДАВЛАТЛАРИДАН САЁҲАТЧИЛАРНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТАДИ. ПОДШОҲЛИКНИНГ “2030 ЙИЛГА НАЗАР” СТРАТЕГИЯСИ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ИККИ МАМЛАКАТ ҲАМКОРЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА АСОС БЎЛАДИ.

ва бошқа соҳаларда сармоя киритишга қизиқиш билдириди. Шу боис, айрим соҳаларда қатор битимлар ва англашув меморандумлари имзоланди.

Хусусан, “Acwa Power” компанияси Ўзбекистонга тахминан 2,6 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритмоқда. Шунингдек, келгусида Ўзбекистон билан яна 2 миллиард АҚШ доллари қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш асносида ўзаро ҳамкорлигимиз қўламли янада кенгайтириш мўлжалланмоқда.

— Ислам мероси нуқтаи назардан Саудия Арабистони ҳам, Ўзбекистон ҳам дунёда доврўқ таратган. Шу ҳақдаги фикрларингиз бизга қизиқ...

— Шубҳа йўқки, ислом мероси мамлакатларимизда катта аҳамият касб этди. Ўзаро муштаракликлар алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Подшоҳлик ҳам, Ўзбекистон ҳам ислом тарихидаги улкан ҳиссалари билан ажрალი туради. Ўзбекистонда ислом тарихида муҳим ўрин тутган шаҳарлар жойлашган. Имом Бухорий, Хоразмий, Беруний, Имом Термизий

ёдорликлари сони 5 тага етди. Бу эса жаҳон тарихий меросини сақлашга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

— Бу йил ўзбек халқи мамлакат мустақиллигининг 31 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан ўзбек халқига қандай тилаклар билдиришни истар эдингиз?

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари, Ўзбекистон ҳукумати ва қардош ўзбек халқига энг самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларини йўллар эканман, бардавон тараққиёт ва фаровонлик тиламан. Ўзбекистонни осовишталлик ва барқарорлик неъматли сира тарк этмасин.

Шунингдек, бу йил Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 30 йил тўлгани муносабати билан барча соҳаларда ўзаро муносабатларни биргаликда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истагимизда собит эканимизни таъкидлашни истар эдим.

Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ

# ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



**Нурислом ТҲУЛИЕВ,**  
иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор

## Саноатни ривожлантириш йўллари

Саноат миллий ишлаб чиқаришнинг "суяк ва мускул"ини ташкил этади ва шу сабабли иқтисодий ривожланишнинг боришини кўп жиҳатдан белгилайди. Саноат барча соҳалар, жумладан, ўзини ўзи ҳам ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайди. Шу маънода, у ўзини ўзи яратадиган ва тиклайдиган ягона ноёб соҳа. 2021 йилда мамлакатимизда 451,6 трлн. сўмлик (ЯИМга нисбатан 61,5%) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Йиллик ўсиш суръатлари 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш тарихида асосий ўринни қайта ишлаш саноат корхоналари эгаллаб келмоқда — 83%.

Аммо бу соҳада ишлаб чиқариш ташкил қилиш жараёни низоҳасига етгани йўқ, ҳўжалик юртишнинг янги мақбул шакллари кидириш давом этмоқда. Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан кластер тизими иш бошлади, лекин ҳали бутун бўйи-баста билан ўзини кўрсата олганича йўқ.

Ҳозирги вақтда барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 65,9 фоизи деҳқон ҳўжаликларидан, 29,2 фоизи фермер ҳўжаликларидан ва 4,9 фоизи қишлоқ ҳўжалик фаолияти билан шўғулланадиган ташкилотларда етиштирилмоқда. Сўтнинг 93,8 фоизи, гўштининг 89,3 фоизи, картошканин 74,7 фоизи, сабзавотнинг 60,7 фоизи, тухумнинг 60,5 фоизи деҳқон ҳўжаликларидан етиштирилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу секторга

жалб қилинган маблағлар ташкил этди. Умумий инвестицияларнинг 12,3 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестициясидан иборат. Кафолатланмаган ва бошқа чет эл инвестиция ва кредитлари 23 фоиздан ошди. Барча инвестицияларнинг 9 фоизини аҳоли даромадлари ташкил этмоқдаки, бу қарийб Республика бюджетдан ажратиладиган маблағларга тенг.

Чет эл инвестициялари газ-кимё, углеродород, электр энергияси мажмуаларини ривожлантириш ва магистрал газ-транспорт тизимларини модернизация қилиш ишларига сарфланмоқда. Асосий капиталга инвестицияларнинг 51,3 фоизи машина, асбоб-ускуна ва инвентарларни сотиб олишга сарфланаётган бўлса, қолган 43,2 фоизи қурилиш-монтаж ишлари, 5,5 фоизи бошқа тегишли мақсадларга қаратилган. Машина ва асбоб-ускуналар улушининг баландлиги ҳозирги шароитда мамлакатимизда кенг миқёсда модернизация ва реконструкция қилиш, яъни технологик янгилаш янги замонавий иқтисодиётни барпо этиш мақсадларидан келиб чиқмоқда. Бундай иқтисодий сиёсат яқин келажақда ўзининг самарасини бериши шўбҳасиз.

Барча инвестицияларнинг ярмидан кўпроги янги қурилиш, 26,4 фоизи кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга кетмоқда.

Асосий капиталга инвестицияларни иқтисодий соҳа турлари бўйича тақсимлаганда асосий — чорак қисмидан кўпроги қайта ишлаш саноатига сарфланапти. Ундан кейинги ўринларда эса тоғ-саноат мажмуаси, турар жойлар қурилиши, электр ва газ таъминоти туриди. Қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш индустрияси, соғлиқни сақлаш, таълим, савдо, алоқа ва ахборот ҳамда бошқа соҳалардаги қурилиш ишлари ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

оширишда транспорт, алоқа ва бошқа коммуникация воситалари муҳим роль ўйнайди. Алоқа хизматлари таркибидан мобил алоқа 48,5 фоизни ташкил этган. Аҳолининг мобил алоқа воситалари билан таъминланиши 73 фоиздан ошди. Мамлакатимиз жаҳон ахборот тизимига фаол интеграциялашиб бормоқда.

## Савдо-сотиқнинг ўсиши

Ўзбекистонда савдо-сотиқнинг қадимий аънавалари мавжуд. Аммо бу ерда Буюк ипак йўлининг таъсирида фақат ташқи савдога ривожланиб қолмаган. Ички савдонинг ривожлантирилиши, ўша вақтда хўнамандчилик, тўқимачиликни ривожлантириш, сўнгра эса завод ва фабрикалар барпо этишининг иложи йўқ эди. Мамлакатимизда истеъмол бозори ҳам тез суръатларда ривожланаётган сегментлардан ҳисобланади. Утган йили чакана савдо айланмаси 250 трлн. сўмга яқинлашди. Йиллик ўсиш суръатлари 12 фоизни ташкил этди. Чакана савдо айланмасининг 73,8 фоизи кичик корхона ва микрофирмаларга, 17,9 фоизи йирик корхоналарга, 8,2 фоизи эса уюшмаган савдога, чакана савдонинг 25 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Утган даврда кўтара савдо ҳажми 158 трлн. сўмга, ўсиш суръатлари эса 17,5 фоизга етди. Кўтара савдода ҳам давлат сектори улуши муттасил камайиб борапти, бу ҳам ижобий тенденциялардан, яъни бозор иқтисодиёти талабларидан ҳисобланади.

Утган йили мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 42 млрд. АҚШ долларидан ошди, бу ундан олдинги йилга нисбатан 16 фоизга кўп демак. Ташқи савдонинг 16,6 млрд. доллар (39,5%)ни экспорт, 25,5 млрд. доллар (60,5%)ни импорт ташкил этди.

## Қайта ишлаш саноати таркиби

Саноат таркиби	Улуши, фоизда
Металлургия	25,7
Нометалл минерал маҳсулот	5,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	13,6
Ичимлик маҳсулотлари (алкоголсиз)	2,7
Тўқимачилик маҳсулотлари	13,7
Кийим-кечак маҳсулотлари	3,5
Кимё маҳсулотлари	7,4
Нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари	3
Резина ва пластмасса маҳсулотлари	2
Электр асбоб-ускуналари	2,8
Металл буюмлар	2,7
Автотранспорт воситалари	8,5

Бошланиши 1-бетда

Бозор ислохотларининг чуқурлашуви натижаси ўлароқ, ялли ички маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш билан банд аҳолининг асосий қисми иқтисодиётнинг нодавлат, шу жумладан, хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик, савдо ва умумий овқатланиш, маийши ва коммунал хизмат соҳаларида деярли 100 фоиз ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар яратиш нодавлат сектори улушидан иборат.

## Иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тараққиёт

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва унинг ўсиш суръатларини белгилайдиган кўрсаткичлар кўп. Аммо улар орасида асосий мезон бу — ялли ички маҳсулот (ЯИМ). Утган йили мамлакатимизда ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 7,4 фоизни ташкил этиб, жорий нархларда 734,6 трлн. сўмга етди. Бу пандемия оқибатлари ҳали барҳам топмаган, кўпчилик мамлакатлар иқтисодиёти рецессияни бошидан кечираётган шароитда дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бу вақтда саноат ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, асосий капиталга инвестициялар 5,2 фоиз, қурилиш ишлари 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 12 фоиз, ташқи савдо айланмаси 16 фоизга ўсди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 5,3 фоизга ўсиб, 21 млн. сўмдан ошди. 2021 йил якуни бўйича ялли ички маҳсулот (ялли қўшилган қиймат) таркиби қуйидаги кўринишга эга бўлди:

Ялли қўшилган қиймат — 100 фоиз, шу жумладан:	
— қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги	— 26,9%
— саноат (қурилиш билан)	— 34,5%
— хизматлар	— 38,6%

ЯИМнинг ўсиш суръатлари барча ҳудудларда кузатишда. Ялли ички маҳсулотни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки (фоизда):

Тошкент шаҳри — 16,6	Тошкент вилояти — 11,2
Навоий вилояти — 8,1	Самарқанд вилояти — 7,3
Фарғона вилояти — 6,4	Қашқадарё вилояти — 6
Андижон вилояти — 6	Бухоро вилояти — 5,3
Наманган вилояти — 4,7	Сурхондарё вилояти — 4,1
Хоразм вилояти — 3,7	Қорақалпоғистон Республикаси — 3,6
Жиззах вилояти — 3,2	Сирдарё вилояти — 2,1

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ялли ички маҳсулотнинг жисмоний ўсиши пировард мақсад бўлмастлиги керак. Иқтисодий ўсиш, бу бир турдаги маҳсулот ва хизматларнинг йилдан-йилга барқарор ўсиб боришидир. Бу яхши. Иқтисодиётнинг диверсификациялашуви, улар таркибидан ахборот-коммуникация технологиялари, юқори технологияли инновацион товар ва хизматлар улушининг ортиб бориши эса иқтисодий ривожланишдир. Қай бири афзал? Жавоб аниқ.

Агар ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати аҳоли реал даромадлари, халқ турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари баробарида кечса, янада яхши. Ана шунда сифат жиҳатдан ўсишга эришган бўламыз. Бизга бозор тан оладиган, халқнинг кундалик турмуш талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш муҳим. Бунга бирдангина эришиб бўлмайди. Шунга эътиборга олиб, кейинги йилларда миллий иқтисодиётимизнинг тармок ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

диган иқтисодиёт турига ўтишга зўр беришимиз керак. Бу давр, рақобат, жаҳон иқтисодиёти ривожланиши талабидир.

## Табиат қўйнидаги иқтисодиёт

Қишлоқ ҳўжалиги иқтисодиётнинг энг "инжиқ" соҳаларидан бири. Чунки унинг фаолияти иқлим, об-ҳаво шароити билан чамбарчас боғлиқ. Қишлоқ ҳўжалигининг ривожланиши мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим шarti саналади. Соҳа саноатнинг "нони" — хомашё манбаи ҳам. Қишлоқ ҳўжалигида минерал хомашёдан фарқли ўлароқ, тикланадиган ресурслар ишлаб чиқарилади. Бу жиҳатдан ҳам унинг аҳамияти катта. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик мамлакат ялли ички маҳсулотининг деярли 27 фоизини бermoқда.

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш соҳасидаги иқтисодий ислохотлар туфайли аниқ-равшан силжишларга эришилгани маълум. Аввало, қишлоқда кўп укладли ҳўжалик шакл-

эътиборни янада кучайтириш лозимлиги аён бўлади.

Қишлоқ ҳўжалигидаги муҳим муаммолар жумласига ҳосилдорлик ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш мақсадида селекция ва уруғчилик, наслчилик ишларини кучайтириш, қишлоқ ҳўжалик зараркунандаликка қарши кураш, экологик тоза маҳсулот етиштириш, атроф-муҳитга зарарни камайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ва бу мақсадларга инвестицияларни ўстириб боришни киритиш мумкин.

## Сервис иқтисодиёти сари

Хизмат кўрсатиш, яъни сервис замонавий иқтисодиётларнинг қиёфасини белгилаб бermoқда. Постиндустриал мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси улар ялли ички маҳсулотининг камида 65-70 фоизини бermoқда. Ўзбекистонда эса хизматлар соҳаси расмий ҳисоб-китобларга кўра, ялли ички маҳсулотнинг 38 фоиздан зиёдрига тўғри келмоқда. Аммо адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, кўпгина хизмат кўрсатиш соҳалари саноат, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалигидан ажратилмаган, балки бизнинг амалиётимизда улар бу соҳаларга қўшиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хизматлар соҳасининг улуши миллий иқтисодиётда анча пастрок кўрсаткичга эга. 2021 йилда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 283,3 трлн. сўмини ташкил этди. Бу ундан олдинги йилга нисбатан қарийб 20 фоизга кўпроқ дегани. Барча корхона ва ташкилотларнинг 65,7 фоизи, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг 51,1 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида жойлашган. Аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар миқдори 8 млн. сўмдан ошди.

Савдо, транспорт ва молиявий хизматлар барча хизматларнинг 70 фоиздан зиёдрига ташкил этмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш, таълим ҳамда тиббий хизматлар кўрсатиш ҳиссаси йилдан-йилга ошяпти. Кейинги йилларда кўчмас мулк, яшаш жойи ва овқатланиш, ижара ва прокат, меъморчилик, компьютерларни таъмирлаш билан боғлиқ хизматлар, шунингдек, индивидуал хизматлар пайдо бўлди. АКТ хизматлари жадал ўсиш тенденциясига эга бўлиши кутилмоқда.

## Инвестицияларнинг роли беқиёс

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш тарихий силжишларни амалга ошириш, охир-оқибатда эса янги инновациялашган ишлаб чиқариш инновациялашган ишлаб чиқариш роли беқиёс. Ўзбекистонда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга 2021 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича асосий капиталга 245 трлн. сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Ўсиш суръатлари 5 фоиздан юқори бўлди. Инвестицияларнинг 40 фоизга яқинини корхоналар ва аҳоли воситалари, қолган 60 фоиздан зиёдрига эса



## Дунёга чиққш учун

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун ҳам кучли, ҳам заиф жиҳатларни олдиндан белгилаб қўйган. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадош эканлиги унинг минтақа бозорларидаги аҳамиятини оширади. Худуд бўйлаб ўтган Буюк ипак йўли юртимизга катта манфаат келтирган.

Иккинчи томондан, мамлакатимиз Европа ва Осиё бозорларига бир неча давлатлар орқалигина чиқиш имкониятига эга. Арзон денгиз йўлига чиқиш қийин. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз темир йўл ва автомобиль халқаро коридорларини ташкил қилиш бўйича амалга оширилаётган халқаро минтақавий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Натижада ички ва ташқи йўловчи ва юк ташқи айланмалари йилдан-йилга ошиб борапти.

2021 йилда барча транспорт турлари орқали 1,5 млрд. тоннадан зиёд юк ташилган. Унинг 91 фоизи автомобиль транспорти орқали ташилган бўлса, қолган қисми темир йўл, ҳаво йўли ва кувер транспортга тўғри келмоқда. Ўсиш суръатлари 10 фоиздан юқори. Шу йили барча транспорт воситалари орқали 5,8 млрд. йўловчи ташуви йўлга қўйилди. Бу қўрсаткич ундан олдинги йилга нисбатан 8,7 фоизга юқори бўлса-да, 2019 йилга нисбатан анча паст. Бунинг сабаби маълум — пандемия. Барча йўловчиларнинг 97 фоизи автомобиль транспортига, қолганлари эса темир йўл, ҳаво ва шаҳар электр транспортига тўғри келади. Экспорт ва импорт операцияларини амалга

Экспорт таркибидан товарлар улуши 59,9, хизматлар 15,3 ва олтин 24,7 фоизни ташкил этмоқда. Импорт таркибидан эса 93,2 фоиз товар, 6,8 фоизи хизматлардир. Бу ерда ёқимсиз ҳолат ташқи савдо айланмасида 8,9 млрд. долларга тенг пассив савдо баланси шаклланиши ва экспорт таркибидан хомашё йўналишига ҳали батамом барҳам берилмаганидир. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида чет элдан тайёр маҳсулот, янги техника ва технология импорт қилишга мажбуримиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳоннинг 182 мамлаката билан савдо муносабатларига киришган. Улар орасида йирикроқ мавқега Россия Федерацияси, ХХР, Қозғистон, Туркия, Корея Республикаси, Қирғизистон ва Туркменистон эга. Кейинги йилларда МДҲ давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли ривожланиши ва мамлакатимиз ташқи савдо айланмасида 37,7 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бундан кейин ҳам ташқи савдо таркиби ва географияси такомиллашиб боради.

## Кичкина деманг бизни...

Хусусий бизнес ва кичик тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётига хос воқеа бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 462,8 минг кичик корхона ва микрофирмалар фаолият олиб бermoқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 98,9 (деҳқон ва фермер ҳўжаликлари) минг кичик корхона янгидан иш бошлади. Кичик тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотни яратишдаги улуши 55 фоизга етди. Саноат маҳсулотларининг 27, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжаликларининг маҳсулотининг 96,7, қурилиш ишларининг 72,4, инвестицияларнинг 47,9

савдонинг 82,1, хизматларнинг 51,1, юк ташилишини 49,4, йўловчи ташилишини 92,8, экспортнинг 22,3 ва импортнинг 48,7 фоизи ана шу "карликлар" ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик корхона ва микрофирмалар "капилляр" томирларда иқтисодиётни озиклантирилади, барча бўғинларга етиб боради. Йирик ва ўрта ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган "ёриқ"ларни тўлдирди, ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради, дўконларни арзон ва зарур товар ва хизматлар билан тўлдирди, рақобатни кучайтириш ҳисобига маҳсулот сифатини ошириш ҳамда арзонлаштиришга олиб келади. Кичик бизнес манёврчан, бозор конъюктурасига тез мослашади. Ўзи кичикина бўлса ҳам унинг хизмати катта.

Агар улар бозорга ўз ҳолича, тавақалчилик билан эмас, балки бююртма асосида йирик корхоналар билан интеграллашиб чиқадиган бўлса, натижа бундан ҳам яхши бўлиши аниқ.

## Биз қандай яшяяпмиз?

Аҳоли турмуш фаровонлигини характерлашда оила ва алоҳида кишиларнинг ялли даромадлари муҳим аҳамиятга эга, улар ҳажми ҳозирги пайтда 516 трлн. сўмдан ошиб кетди. Йиллик ўсиш 12 фоизга тенг бўлмоқда. Аҳоли жон бошига ялли даромад 14,8 млн. сўмини ташкил этган.

Аҳолининг ялли даромадлари бирламчи (ишлаб чиқариш, мулк, меҳнат фаолиятидан, шахсий истеъмол учун хизматлардан, ёлланма ишчилар даромадлари ва мустақил бандликдан) ҳамда трансфертлардан (ижтимоий ва бошқа жорий тўловлардан) шакллланмоқда. Бирламчи даромадлар аҳоли даромадларининг 73,7 фоизини, қолган 26,3 фоизини трансферт даромадлар ташкил этади. Бирламчи даромадларнинг 71,5 фоизи ишлаб чиқаришдан, атги 2,2 фоизига мулкдан келади. Ўзбекистон аҳолисининг ялли даромадлари иқтисодиётнинг тармоклари, худуди, ходимнинг маълумоти ва малакасига қараб фарқланади. Масалан, Навоий вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли даромад Сирдарё ёки Сурхондарё вилоятига қараганда, деярли икки баробар зиёд. Нисбатан юқори ўртача ойлик иш ҳақи банк, сугурта, лизинг ва кредит-воситачилик, компьютер дастурлаш, консултация ҳамда ахборот хизматларига тўғри келади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда яшаш сифатини ошириш — ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қулай турар жой, тоза ичимлик сув, канализация билан таъминлаш ва экологияни яхшилаш, мактабга ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш йўналишларида салмокли ишлар амалга оширилмоқда.

## Нуфусимиз яхши, нуфусимиз-чи?

2022 йил бошида мамлакатимиз аҳолиси 35,3 млн. кишини ташкил этди. Ўзбекистон фаол демографик вазиятга эга мамлакатлар жумласига кирди. Бу ерда тўғилиш суръати нисбатан юқори бўлиб, табиий ўсиш йилига 731 минг кишини, яъни йиллик ўсиш суръати 2,1 фоизни ташкил этмоқда. Мамлакатимиз умумий аҳолиси таркибидан эркаклар ва аёллар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатан деярли тенглашган.

Меҳнатга яроқли ёшдан паст аҳоли 31,2 фоиз, меҳнатга яроқли ёшдагилар — 57,6 фоизни ва меҳнатга яроқли ёшдан юқорилар мамлакат аҳолисининг 11,2 фоизини ташкил этмоқда. Аҳоли зичлиги (1 кв. км.га тўғри келадиган одам) ўсмақда ва 2022 йил бошига 78,6 кишини ташкил этди.

Катталар, гудаклар ва аёллар ўлимнинг пайсанглиги, никоҳлар даражасининг юқорилиги ва ажралишларнинг нисбатан камайгани, миллий ва диний аънаваларнинг барқарорлиги, тиббий хизмат ҳамда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бораётгани мамлакат аҳолисининг табиий ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли сифати деган тушунча ҳам бўлиб, инсон ривожланиш индекси (ИРИ) билан ўлчанади. Ушбу индексининг учта асосий кўрсаткичи бор. Ундан фақат биттиси — мамлакат аҳолисини таълим билан қамраб олиш бўйича дунёда олдинги ўринларда турамыз. Аммо умр узунлиги, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялли ички маҳсулот кўрсаткичлари бўйича ҳали кўп ишларни амалга оширишга тўғри келади. Нуфусимиз нуфусимизга яраша бўлиши керак!



ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

# ҚОРАҚАЛПОҚ МУСИҚА САНЪАТИНИНГ САРДОРИ

Қорақалпоқ халқининг таниқли санъат арбобларидан бири, устоз композитор Нажимаддин Муҳаммаддинов ўзининг бетакрор миллий куйлари билан нафақат республикаимиз, балки дунё мусиқа санъати ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардан. У яратган мусиқий асарлар инсон руҳиятига, ички кечинмаларига ўзига хос туртки берадиган ҳаётбахш наволар ҳисобланади. У кўп йиллар турли раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган бўлса-да, композиторликни четга суриб қўйгани йўқ. Аксинча, мусиқа оламини ўзининг янги-янги, залварли мусиқий асарлари билан бойитиб борди.



Алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимиз маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш борасида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар жойларда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Айниқса, маданият ва санъатимиз даргалари, катта истеъдод эгаларининг фаолияти ёшларга ўзига хос ибрат мактаби бўлаётди. Улар қаторида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат арбоби, устоз композитор Нажимаддин Муҳаммаддиновнинг номи алоҳида ўрин эгаллайди. Зотан моҳир мусиқа билимдонининг юксак савиядаги мусиқий асарлари санъат соҳасидаги малакали мутахассислар, қолаверса, мухлислар томонидан юксак баҳолаб, катта шухрат қозongan.

Опера ва балет каби мураккаб мусиқа йўналишида қорақалпоқ миллий достонлари, куйлари ва қўшиқлари, рақсларини уйғунлаштириб катта асарлар, симфоник поэма ҳамда романслар яратди олиш — улкан истеъдод, чинакамгина меҳнат ва сабр-матонат талаб қиладиган ижодий фаолият маҳсули. Н.Муҳаммаддинов доимий изланиши, юксак истеъдоди билан мусиқа оламини забт эта олган композитор ҳисобланади. У самарали ижодий фаолияти давомида “Ажиниёв” деб номланган биринчи қорақалпоқ миллий операсини, “Айжамал” номли биринчи миллий балетини яратди, шунингдек, “Қорақалпоғистон” кантатаси, “Алпомиш” мусиқали драматаси ҳамда 300 дан ортиқ куй ва романсларни халқимизга тортиқ этди.

Шоир ва композиторнинг бир-бирини ўзаро тушунган ҳолда ижодий ҳамкорликка кириши, самимий ёндашуви, изланишлари адабиёт ва санъатда катта из қолдира

**“ ЖОРИЙ ЙИЛДА МАЗКУР ОПЕРАНИНГ КИТОБ ВАРИАНТИНИ “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН” НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН. АЛБАТТА, БУ КАБИ НАШРЛАР РЕСПУБЛИКАМИЗДА САНЪАТ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЁШЛАР УЧУН ЗАРУР ҲУҚУҚ ҚўЛЛАНМА БўЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ШУБҲАСИЗ.**

олишини ҳаётий мисолларда қўриш мумкин. Нажимаддин ога “Ажиниёв” операсини яратишда қорақалпоқ халқининг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Юсупов билан яқин ижодий ҳамкорликда иш олиб борди. Улар яратган “Ажиниёв” операси дунё сахналарига ярашадиган опералар қаторида тилга олишга муносиб.

Шахсан ўзим ҳам мустақилликнинг илк йилларида Нажимаддин ога билан ҳамфикр ижод қилиб, бир қатор қўшиқлар ва сахна асарларини биргаликда яратганимизни доимо фахр билан тилга олам. Ёшларимиз севиб куйлайдиган “Ота макон”, “Келин, дўстлар, Мўйноқ томонларга”, “Тонгда шамол эсади”, “Кел, Наврўзим”, “Ватан ҳақида сўз” сингари қўшиқлар ана шундай ижодий ҳамкорлигимиз мевасидир.

Нажимаддин ога билан биргаликда “Гулоийм” операсини яратишимизда Курбонбойириrov Тожибоев куйлаган “Қирқиз” достони асос вазифасини ўтаган эди. Мен ушбу достон асосида либретто яратар эканман, операда воқеаларни жиров қўбиз билан куйлашни ич-ичимдан ҳис қилдим, қолаверса, қорақалпоқ халқининг жиров куйлари опера асари ичида янграшини жуда истардим. Шу тариқа “Гулоийм” операси яратилди. Таърибли композитор опера таркибига миллий қорақалпоқ мусиқа чолғуси бўлмиш қўбиз ижросини олиб кириб, этно-операнинг юзага келишига замин яратди. “Гулоийм” операсида, шунингдек, бахшлар ҳам иштирок этди. Ушбу опера 2019 йили Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида сахналаштирилиб, томошабин ва санъатшунослар томонидан юксак баҳоланди.

Жорий йилда мазкур операнинг китоб вариантлари “Қорақалпоғистон” нашриётида чоп этиш режалаштирилган. Албатта, бу каби нашрлар республикаимизда санъат соҳасида таълим олаётган ёшлар учун зарур ҳуқуқ қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Нажимаддин оғанин ушбу асари ҳақида кўплай санъат вакиллари, мушаккашлар ўз фикр-мулоҳазаларини тўққинланиб билдирган эди:

**Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси:**

— “Гулоийм” операсининг сахналаштирилиши қорақалпоқ санъати ривожига катта воқеа бўлди. Операдан кейин театрда катта байрам бўлиб кетди. Нажимаддин ога операни ниҳоятда нафислик билан яратган. Бошланишидаги увертюра билан охириги кишида, айниқса, кучли таассурот уйғотади. Шунинг учун ҳам томошабинлар бу асарни яхши қабул қилди. Чингиз Айтматов “Опера — мусиқа санъатининг гултожи”, дея жуда топиб айтган. Бугун қорақалпоқ театр санъатида мусиқа санъатининг гултожи бўлган янги этно-опера пайдо бўлдики, бу барчамиз учун катта муваффақият ҳисобланади. Президентимиз биз, ижодкорларга ҳамма шарт-шароитларни муҳайё қилиб бермоқда. Мана шу ғамхўрликка муносиб бўлиб, астойдил ижод қилиб, янги асарлар яратишимиз керак. Бугун шундай ажойиб асар пайдо бўлгани билан халқимизни қизғин таъриқлайман.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, композитор:**

— Композитор Нажимаддин Муҳаммаддиновнинг “Гулоийм” операсини томоша қилиб, катта таассурот олдим. Опера чин истеъдод ва меҳр билан ёзилган. Унда қорақалпоқ миллий-маънавий мероси намунаси ҳисобланган “Гулоийм” эпоси мотивлари ва халқона куйлардан самарали фойдаланилгани катта ютуқ ҳисобланади.

**Ҳабибулло РАҲИМОВ, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси ўринбосари:**

— Бу даражада мураккаб миллий мусиқа асари яратишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун узоқ тайёргарлик, заҳматли меҳнат, узоқ керак. Зотан, ҳар қандай куй юракдан чиқсагина илҳомдорларни ром этади. “Гулоийм” операси миллий руҳда ёзилган. Ундан қорақалпоқ миллий куйларининг “ҳиди” келиб турибди. Шунинг учун халқ уни яхши қабул қилапти.

\*\*\*  
Таъкидлаб ўтиш жоиз, Бердак номидаги театрга “академик” унвони берилишида композиторнинг мана шу каби опералари театр сахнасида қўйилиши муҳим ўрин тутган. Қолаверса, академик унвонига эга бўлган театр ҳар қандай жанрга мансуб мусиқали асарларни сахналаштириш имконияти ва салоҳиятига эга, деган маънони билдиради.

Илҳомдор композитор ижодий фаолияти давомида Ўзбекистон Қаҳрамони И.Юсупов, Т.Қабуллов, Х.Давлетназаров, Г.Давлетова, А.Утенова, И.Мирзо, Ж.Жабборов каби кўплай таниқли шоирлар билан бирга ишлади. Мусиқа “сўз — оҳанг — ижро” учлигини бирлаштира олган ноёб санъатдир. Н.Муҳаммаддинов том маънода сўзга жон, тилларга забон бера олган ижодкор саналади. Унинг “Айжамал” балети либреттосини Т.Хужасов ёзган. Балетда қорақалпоқ миллий рақсидан унумли фойдаланилган, киз-йигитларнинг ҳаракатлари миллийлик руҳи билан сугорилган бўлиб, орадан йиллар ўтса-да, асарнинг сахнавий талқини ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ушбу балет Ўзбекистон халқ артисти Х.Шарипов томонидан қайта сахналаштирилди.

Нажимаддин оғанин ҳар бир асарига миллий куйларимиз нафаси уфуриб туради. Айниқса, композиторнинг Ватан мадҳини куйловчи асарларини тинглар экансиз, шу юртга бўлган меҳр-муҳаббатингиз янада ошиб бориши шубҳасиз. Шу маънода, унинг “Бахтим Аму соҳили”, “Кенг дала”, “Яшайвер, Оролим, Мўйноғим-Мўйноқ”, “Ўзбек билан қорақалпоқ — қон-қардош” каби асарлари аҳамиятини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Композитор ижодининг яна бир гултожи — бу Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат мадҳияси бўлди.

Мухтасар айтганда, Н.Муҳаммаддиновнинг “Гулла, яшна, Ўзбекистони!” симфоник поэмаси, “Гулоийм” операси ва “Айжамал” балети учун ёзилган мусиқий композициялари Ўзбекистон Республикасининг санъат ва меъморчилик соҳасида давлат мукофоти тавсия қилинган ҳар жиҳатдан ўринли қарор бўлди. Нажимаддин оғанин бой ва сермазмун ижоди бундай юксак эътирофга ҳар томонлама муносиб.

**Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон халқ шоири**

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА



## “АРМИ-2022”: ҲАРБИЙЛАР ДЎСТЛИГИ ВА ТИНЧЛИҚПАРВАРЛИК УСТУВОР БАЙРАМ

### Жиззахдаги “Фориш” ҳамда Самарқанддаги “Сазаган” полигонида “АрМИ-2022” VIII халқаро армия ўйинлари мусобақалари бўлиб ўтмоқда

Тўрт йилдирки, Ўзбекистон халқаро армия ўйинларининг бир қатор йўналишларига мезбонлик қилмоқда. Бу — Янги Ўзбекистон ислохотлари натижасида миллий армиямизнинг халқаро талаблар даражасида ривожланаётгани, мамлакатимиз Қуролли Кучлари салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ОАВ ходимлари учун Жиззах вилоятидаги “Фориш” тоғ полигонига медиатор ташкил этилди.

“Фориш” тоғ полигонида “АрМИ-2022” халқаро армия ўйинлари бошланишидан олдин журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилиб, мусобақа жараёни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бosh Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2018 йил март ойида “Фориш” тоғ полигонида Мудофаа вазирлиги кўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишиб, мазкур ҳудудни намунавий полигонга айлантириш, янги концепция ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги барча ҳарбий полигонларни модернизация қилиш буйича топшириқлар



Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестрининг кўргазмали дефилеси, таниқли бадий жамоалар ва санъаткорлар ижросидаги концерт дастури, турли халқлар маданиятини ифода этувчи бадий намоишлар, Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси курсантлари томонидан кўргазмали чиқишлар намойиш этилди. Мусаффо осмон узра жиллоланган мушаклар ёғдуси Ватанимизнинг тинчлиги, осийшталлигини тараннум этаётгандек гўё.

— Сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг ўзагини ташкил этмоқда, — дейди Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бошлиғи, полковник Ҳасан Халилов. — Ўн икки давлатда бўлиб ўтаётган ушбу мусобақалар 27 августга қадар давом этади. 34 йўналишни қамраб олган мусобақаларда 37 давлатдан 257 жамоа ўзаро баҳслашади. Умуман олганда, Ўзбекистон жамоасининг руҳи ва жисмоний-ҳарбий тайёргарлиги аъло даражада. Бунда мавжуд шароит ва яратилган кенг имкониятлар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

— Вьетнам халқ армиясининг “Дала ошониси” жамоаси мазкур мусобақада бешинчи бор иштирок этмоқда. Тайёргарлик жараёнида асбоб-ускуналар ва жиҳозлардаги фарқлар, об-ҳаво шароити, фаолият, вақт зоналари ва режимлар ўзгариши каби кўплай ўзгаришларни бошдан кечирдик, — дейди вьетнамлик иштирокчи, лейтенант Чу Минҳ Дук. — Ҳозирда мезбон давлатнинг кўмаги билан қийинчиликларни енгиб ўтдик, тайёргарлик ва мусобақада қатъият билан иштирок этиш учун амалиётни яқунладик. Саёҳат, овқатланиш, танаффуслар, дала, асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан танишишда берилган ёрдам учун миннатдоримиз.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2021 йил халқаро армия ўйинларида 42 давлатнинг 277 жамоаси ўзаро куч синашган. Ушанда 24 йўналишда катнашган Ўзбекистонлик ҳарбийлар 4 олтин, 9 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга сазовор бўлган. Жами 37 рекорд натижанинг 10 тасини юртимиз ҳарбилари янгилаган эди.

**Гуличехра ДУРДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири**



**“ ТўРТ ЙИЛДИРКИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО АРМИЯ ЎЙИНЛАРИНИНГ БИР ҚАТОР ЙўНАЛИШЛАРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА. БУ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОХОТЛАРИ НАТИЖАСИДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНАЁТГАНИ, МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ.**

берган эди. Давлатимиз раҳбари топшириқ асосида бу ерда махсус ўқув-синов майдони замон талабларига мослаштирилиб, шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилган. Натижалар ҳам шунга яраша. Жумладан, 2019, 2020, 2021, 2022 йилларда мазкур ҳудудда ўтказилган халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги терма жамоаси ўз салоҳиятини намоён этиб келаётди.

Соат 19:00. “Фориш” полигонига жойлашган тоғ бағри заррин кўёш нуруларидан тўйинган бир дамда “АрМИ-2022” халқаро армия ўйинлари мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бошланди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги ва иштирокчи давлатлар мастъуллари, сенаторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, фахрийлар, ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига

ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

Мунаввара УСМОНОВА, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

Шундай дориламон кунларга етиб келдик. Майли-да, ҳали битмаган камларимиз бордир. Қайсидир гўша ё кимдир эътибордан сал чеккароқдадир, лекин ҳаммаси вақти-вақти билан жойига тушади. Чунки давлатимиз сиёсатида, "менинг халқим, менинг элим, мен унга жавобгарман", деган олижаноб қараш бор экан, қайси бир яхши кун ҳамма юртдошларимизнинг теғрасида ҳимоя кўрғони қад кўтаради.



хонадонларга кира бошладик. Одамлар шoirлар, санъаткорларни ўзларига яқин олади. Тортинмай кўнглини очади.

"Урганжи" МФЙ Гузарбоши кўчасида истиқомат қилувчи Дилбарой Жумаеванинг хонадонидамиз. Ҳаммаёқ чинни-чирик, атиргул, нарғиз гуллар очилиб, райхонлар муаттар буй таратиб турибди. Полизда экинлар, мўъжагина богда мевали дарахтлар бор. Аёл биринчи гуруҳ ногирони бўлиб, жигар хасталигидан азият чекаркан. Турмуш ўртоғи ҳам рафикасининг дардига дармон излаб, олисларга ишлагани кетибди. "Маҳалла бизни ташлаб қўйгани йўқ. Қўшнингнинг тандиридан нон иси гупурса, бир жуфти, албатта, бизгаям киради. Қозонда тансиқ таом пийша, насиба чиқарилади... 400 минг сўм нафақа олардим, мана энди 600 минг сўм бўлибди. Бир ҳукуматнинг бир инсонга эътибори шунча бўлади-да!" Дилбаройнинг гапларида сохталик йўқ. Аксинча, меҳр-муҳаббат қуршоғида яшайётганидан, орқасида ҳимоя борлигидан хурсанд.

Навбатдаги кирган хонадонимизнинг қизи Адолатхон Султонова 2-гуруҳ ногирони экан. Онаси Малоҳатхон — фаррош, отаси Баҳождирхон — қурувчи. Оилада икки ногирон фарзанд, бунинг устига келинларидан ҳам шундай нуксон бор экан.

— Духтирлар айтган, аммо ўша пайтда ёш эканмиз, гаплари у

қулоғимиздан кириб, бунисидан чиқиб кетган, — дейди уй бекаси афсус-надомат билан. — Турмуш ўртоғим билан яқин қариндошимиз, энди изтиробини биргина биз эмас, фарзандларимиз ҳам бирга тортяпти.

Лекин оила аъзоларида бугунидан нолиш, шикоят йўқ, шукроналик қалбларига қувват, яшашга куч бераётгани кўриниб турибди. Малоҳатхон ўзбек аёлига хос тортинчоқлик билан ҳамширалikka ўқиган келинига иш масаласида ёрдам беришимизни сўради. Туман оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддиси бу вазифани ўз зиммасига олди. Суҳбатнинг бундай турб олиши Адолатойни ҳам руҳлантириб юборди чоғи.

— Мен чеварликка қизиқаман. Агар замонавий тикув машинаси бўлса,

нонамга боргани истиҳола қиламан. Ота-онамдан намадир сўраш учун яна андиша йўлимни тўсади. Ахир, нон комбинати етакчиларидан бири бўлган қайнотамга минг хижолатликда тиш ёрдим.

— Қизим, қарам давлат бўлибмизки, бизнинг умримиз мана шундай йўқчилик ичида ўтиб келяпти. Зоғора нонга қорнимиз тўймаган даврларнинг машаққатини ҳам сабр билан ендик. Ўша сизнинг кўнглингизни хижил қилган макоронлар ўзимизники. Қуришти ускунаси бўлмагани учун могорлаб кетган. Қуз ҳавосида офтобга ёйиб қуришиб бўлмас экан. Биз неча йиллар бировларнинг даласида унган бугдойга куз тикиб яшадик. Энди бундай бўлмайди. Ҳовилларимиздаги бир қарич ерга-да бугдой уругини селишимиз, картошка

Бошланғич 1-бета

Ўрни келганда эслаб ўтиш жоизки, бир пайтлар чиройли шoirлар фақат иморатларнинг пештоқларида ярқираб турарди, холос. Баҳор, куз ёмғирлари ювиб, қиш аёзлари ялаб, саратон оловлари куйдириб, турган жойларида ранги ўнгиб ё титилиб кетарди ҳамки, кимнингдир ҳаётига кира олмасди. Одамлар унга "нараса" деб қарашар эди. Бизнинг давримизга, айнан ҳозирги кунларимизга келиб давлатимиз сиёсатининг ўқтомирига айланган шoirлар кенг қўламли ҳаракатга, фаолиятга айланиб улгурди.

Шу маънода, "қадр", "инсон қадри" тушунчаларини, яна ҳам аниқроқ ифодаласак, "аёл, она, оила муҳофазаси" сўзларининг буйини яна ҳам баландлатиб, ўзини улканлаштириб кўз олдимизга келтирадиган рақамлардан сўз очсак, фикрларимиз яна ҳам ишончлироқ кўриниш олади:

— мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган тўрт минг нафарга яқин хотин-қиз касб-хунарга ўқитилди;

— кейинги беш йил мобайнида 12144 нафар хотин-қиз уй-жой билан таъминланди, улاردан 4283 нафарига уй-жой тўловини бошланғич бадалига маблағ ажратилди;

— давлат гранти асосида олийгоҳларга қабул қилинган хотин-қизлар сони уч минг нафарга яқин. Беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган, лекин олий маълумоти бўлмаган 28664 нафар аёлга олий таълимга ўқишга кириш учун тавсиянома берилди;

— 2020-2022 йиллар давомида 1335 нафар аёлга мураккаб жарроҳлик операциялари учун фонд томонидан маблағ ажратилди;

— охириги тўрт йилда 21158 нафар аёл турли тиббий реабилитация воситалари билан таъминланган...

Бу рақамларда аслида юртимиз миқёсида фуқароларимиз, хусусан, назорат қилинган оила, фарзандлар юқини кўтариб яшайётган хотин-қизларга қўрсатилаётган катта ғамхўрликнинг мингдан бир улуши акс этади, холос. Лекин шу улусда ҳам фақат бизнинг миллатимизга, чин инсонийликка хос меҳр-муҳаббат атрофида намоён бўлиб турибди.

Сўз аввалини йўллар ҳақидаги фикр билан бошлаган эдим. Энг кўп юриданган йўлим — пойтахтни Водий билан боғлайдиган доvon йўли. Ҳар гал ойнадек текис йўллардан, ҳеч бир тўсиқсиз, текширувсиз онам, жигарларим тараф ошқар эканман, бундан ўн йилларча олдин руй берган бир воқеа хотиримда жонланаверади.



МАДАНИЯТ

БОҚИЙ САНЪАТ БУЮК ТАРБИЯЧИДИР

Дилрабо ҚОЗИЕВА, Республика бахшичилик санъати маркази бўлим бошлиғи

Бахшичилик — сўз, қалб ва мусиқа уйғунлиги... Дўмбира наволарини эшитган одамда ўз миллатига нисбатан ифтихор пайдо бўлади. Бу ноёб санъат ижрочиларига фонограмма ва оммабоп аранжировкалар ёт. Шундайин сирли маҳорат авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келади. Бугун бу бебаҳо меросни асраб-авайлаш, миллий санъат тарихини ўрганиш ва оммалаштириш, уни ёшлар ўртасида тарғиб қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу эътибор бахшилар ижодига янги нафас оқиб кирди. Бахшилар қўшиғига қулоқ тўтсангиз, бунинг англаш қийин эмас. Чунки дoston — юрак садоси.



онгиди бахшичилик санъати образини яратиш уларнинг ҳаёлий тафаккурини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарс жараёнида болаларда бахшичилик санъати бўйича бошланғич кўникмаларни шакллантириш учун дostonлардан парчалар ўқиш, болалар

иштирокида эпик қаҳрамонлар образини яратиш яхши самара беради. Шунингдек, қаҳрамонлар сурати ёки эпик эпизодлардан парчалар кўринишидаги кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳамда дўмбирлардан халқ дostonларини ижро этиш ўқувчиларни қадимий миллий чолғу асбоблари билан яқиндан

танишиш, мусикани тўғри ҳис қилиш ва эслаб қолишга ундайди.

Албатта, болаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда дўмбира, чанқовуз, қубиз каби халқ чолғуларини, дoston қаҳрамонлари образларини чиқиш, турли танловлар ўтказиш, халқ кўнрақчилари ёрдамида болалар тасавурида дoston қаҳрамонлари образини уйғотиш, эртақларни сахна кўринишида намойиш этиш ҳам яхши самара беради.

Мусиқа машғулотларида болаларнинг ёшига мос термалар ёки дostonлар чолғу асбоблари бўлишида ижро этилса, узоқ вақт хотирада қолади. Ўшбу жараёнларда болалар мусиқани ҳис этишга, хотирада сақлашга, шу билан бирга, чолғу ҳам чалишга ҳаракат қилади.

Ҳозир ҳунарманд усталар болалар ёшига мос келадиган дўмбирлар ясамоқда. Катталар дўмбирасидан уларнинг фарқи шакл жиҳатдан кичиклиги ҳамда болаларнинг қўлига тўғри келиши, яъни ижро вақтида болаларга қийинчилик туғдирмаслигидир. Бола ўз дўмбирасида кичик термалар ижро этса, унинг мотивацияси янада кучаяди.

Тарбияланувчиларни бахшичилик санъати чолғу асбоблари билан таниш-

йўлларимиз Фарғона учрашувларидан бир неча кун ўтиб, қорақалпоқ элига туташди. Мен аввал ҳам ўзига хос урф-одатларга эга, кўнгли кенг, гапга чечан, ҳазилкаш элга кўп келганман. Талабалигимда шу миллатга мансуб қизлар билан бирга яшаганман. Улар бизникига борган, мен уларнинг овулига. Шунданми, кейин ҳам Хўжайли, Қораўзақ, Қўнғирот — қайга борсам, жигарларим орасига тушгандай ўзимни эмин-эркин тутаман. Бу гал қадим юртдаги яхши ўзгаришлардан, айниқса, Мўйноқдаги янгилаштирилган кўнглим ўсди. Саксувулларигача гуллаб юборган элда кечган учрашувлар ҳам ёдимда муҳрланиб қолди. Оролнинг кекаги кун ва бугундан ҳикоя сўйлайдиган музейда хоржилик сайёҳларни қўриб, уларнинг қизиқиши ортаётганидан дилимда фахр туйдим. Бутун дунени кезиб юрган эр-хотин сайёҳлар билан таржимон орқали тиллашар эканман, уларнинг ҳам музей экспонатларидан кўнгли тўлганлигини сездим. Тўғри, ҳар бир қадимимизнинг баҳоси хоржиликлар нигоҳи билан ўлчанмайди. Лекин барибир ўзинг, ўзингникилар ҳақида бировдан яхши гап эшитиш яхши, мароқли.

Президентимиз яқинлашиб келаётган истиқлол байрами тантаналари олдинда элимиз диққатига яна бир жарангдор шiorни ҳавола қилди.

"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз"... Мўйноқ учрашувларининг биринчи йилги туғатган, озгингина бир аёл:

— Она ҳақидаги шеърларингиз ёқди. Мен ҳам онаман, икки ногирон фарзандим бор, тумга ораю қорго билан дунёга келган. Биттасини давлат ҳисобидан операция қилдирик, ҳозир соғайиш кетаяпти, иккинчисига ҳам ёрдам ваъда қилишяпти, — деди. Она, фарзандлар ташвишидан бўлса керак, хийла чўккан, кўзга ташланавермайдик. Лекин кўриниши, кийиниши қай даражада бўлмасин, унинг олий мақоми бор — ОНА. Ана шундай бир оназор ҳам назарда экан, унинг ҳам дардларига малҳам излашаётган экан, демек, юраётган йўлларимиз оддий эмас, меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, одамийлик йўллари бу.

— Эсимда, болаликдаги бир дугонанинг оиласи чўлларни ўзлаштириш пайтида кўнглилардан бўлиб кўчиб кетадиган бўлди. Уларни кузатиб, уйга қайтиш чоғида оstonада рўмоли четини тийлаб турган Салтанат буви йиғлаб юборди:

— Бечора болаларим-а, жаннатдай бог-роғларини ташлаб, чўли-бўёonga кетганига ичим куйяпти-да. Иссиқ ўрнини совитиб, янтоқзорга деҳқончилик қиламан, деб кетишяпти, ногонгина болам-!.. Отаси белбоғига боғлаган қора нонини лойқа сувга ботириб еб, кетмон чолиб умри ўтган эди. Эссиз набираларим-а...

Ҳозир кўз олдимдан бир-бир ўтаётган жаннатий манзараларни қўриб, инсоннинг қўли гул эканига, саҳрода бог яратган эртақдаги пахлавонлар тақдирини бугун замонамиз қаҳрамонларига насиб этгани, кекагидан бугунимиз нақадар гўзал ва фаровонлигидан мамнун бўлдим. Қишлоқдаги хонадонларнинг файзи бўлакча-да. Дарвозаси қия турган ҳовлилардан қийғос очилиб турган гулу райхонлар кўзга ташланади. Қўвониб кетади ҳар қандай одам.

Турли мевали дарахтлар, ажиб манзара ҳосил қилган туваклардаги гулларни қўриб, оилалар тинчи, маҳалла қурки, кўнглилар ободлиги юрт ободлиги эканлигига яна бир бор ишондим.

Яна кўнглимда бир олам туйғулар билан янги сафарларга ҳозирланиб турибман. Мақсадимиз эзгу экан, бу сафар қолган барчаси хайрли бўлишига умид қиламан.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлхатлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864. 81651 нуҳсада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова Мусахўш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй